Ҳозирги кунда Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобига Фанлар академиясининг илмий-тадқиқот муассасаларини капитал таъмирлаш

ва илмий лабораторияларини энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ишлари бажарилмоқда. Ишонимлики, бу жараён узлуксиз давом этади.

Бундан ташқари, Фанлар академияси илмий-тадқиқот муассасалари биноларини сақлаш, бошқарув ва техник ходимларга ҳақ тўлаш харажатлари бевосита Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш механизми жорий қилинди.

Давлатимиз раҳбари томонидан учинчи Ренессанс даври бўсағасида турганимиз алоҳида таъкидланди. Бу, биз олимлар, илм-фан аҳли олдинга ҳам катта вазифаларни қўяди. Негаки, тарихга назар ташлайдиган бўлсак, ҳеч бир Ренессанс даври илм-фансиз ривожланмаган. Жумладан, Ҳоразм Маъдум академияси, Мирзо Улуғбек Раъсудхонаси Ренессанс давриларининг тамал тошлари ҳисобланади.

Шуларни ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда илм-фани замонавий асосда таррақий этишириш давлат сиёсати даражасида олиб боришмоқда. Хусусан, ФА Математика институтига Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида янги қурилган бино оператив бошқарув ҳуқуқи асосида беғариз ўтказиб берилди ҳамда институтнинг моддий-техника базасини жаҳон андозалари асосида мустахкамлаш мақсадида мебель жиҳозлари, юқори технология ком-

пьютер техникаси ва дастурий маҳсулотлар билан таъминланди.

Фанлар академиясининг 11 та кимё-биология йўналишига асосланган илмий-тадқиқот муассасаси олиқ таълим муассасаларида кимё ва биология йўналишларида самарали ўқув жараёнини уюштириш, фанларни ривожлантириш учун уларнинг қўллаб-қўлланувига бир қатор ишлар аналга оширилмоқда. Жумладан, 2018 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимида Ахборот-коммуникация технологияларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарорига асосан Фанлар академияси қошида Ахборот технологияларини ривожлантириш маркази ташкил этилди. Фанлар академияси тизимидаги фанлар илмий-тадқиқот муассасаси оптик толали алоқа каналлари орқали юқори тезликдаги интернет билан таъминланди. 2020 йилнинг биринчи ярми йилигида юқори параметрли хусусиятлар талаб этидиган графикали ва илмий жиҳоблашларни бажариш учун юқори

самадорликка эга бўлган компьютерлар келтирилди. Ушбу компьютерларда илмий тадқиқот ишларининг натижасини олдиндан прогноزلаш мумкин, яъни бу технологиялар илмий башорат қилиш ҳамда бир вақтнинг ўзида мураккаб жараёнларни моделлаштириш имконини беради.

Хулоса ўрнида айтганда, илмий фаолиятни таррақий топтиришдан қўзланган мақсад энг аввало, ҳар бир мамлакатда иқтисодий, сиёсий ва стратегик барқарорлиқни таъминлашдан иборат. Шундай экан, ҳар қандай тадқиқот иши, биринчи навбатда, амалга ярашганлиги, ундаги маъжуд муаммоларни бартараф этишни аниқ йўналишларини кўрсатиб бериши, фан соҳаларидаги ҳар бир йўналишнинг истиқболдаги тақомилига ҳисса қўйиши лозим.

Юртбошимиз томонидан илм-фан соҳасида олиб борилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлаган ҳолда, бурча имкониятимизни мамлакат кудратини янада юксалтиришга йўналтиришимиз. Зотан, юртимизда таълим-тарбия жараёни ҳамда илм-фан таррақийи давлат сиёсати даражасига қўтарилиши соҳа ходимлари қалбида ўз касбига чекиз меҳр ва фахр туйғуларини уйғотгани айни ҳақиқат.

Беход Йўлдошев,
ЎзФА президенти, академик.

«ЎЗБЕКИСТОН УЧУН ЯНГИ ТАРИХ, ЯНГИ ЙЎЛ ШАКЛЛАНМОҚДА»

Игорь ПАНКРАТЕНКО,
Стратегик баҳолаш ва башоратлар маркази бош директори:



— Бош Ассамблеянинг якунланган 75-сессияси воқеаларга бой бўлди. Аммо унинг муҳим сенсацияси Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг нутқи бўлди.

Ўзбекистон раҳбари ўз чиқишида Афғонистонда тинчлик ўрнатилиш масаласидек долзарб, дунёнинг етакчи дипломатлари хал қилиш учун бош қотириб келаётган муаммага нисбатан янги ёндашуви илгариди. Шавкат Мирзиёевнинг БМТ минбаридан туриб “Ўзбекистоннинг Марказий Осиёнинг ажралмас қисми сифатида қабул қиламиз...” Фақат биргаликда ва яқин ҳамкорлик орқали биз афғон халқининг азгу орузумиларини рўёбга чиқаришимиз мумкин. Бу борада “Беқарор ва вайронкор вазиятдан — тинчлик ва бунёдкорлик сари” деган тамойил асосида иш олиб бориш мумкин, деган сўзлари барчада катта таассурот уйғотди. Оддий айтганда, Ўзбекистон раҳбарининг сўзлари “Афғонистонда жан қилишни тўхтайтиб, бунёдкорлик билан шугулланиш” деган тамойилни акс эттирди.

Расмий Тошкентнинг “Афғонистонни таҳдид манбаи эмас, балки минтақа сифатида қўриқилган” деган қатъий қарори Афғонистондаги ва унинг ташқирисидидаги сиёсий жараёнларга хал қилувчи таъсир кўрсатди. Мазкур страте-

гик қарорни амалга оширишдаги илк муҳим қадам 2018 йил март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича халқаро конференция бўлди. Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ўтказилган тадбирнинг асосий ютуғи шундаки, у орқали дунё ҳамжамиятига Афғонистонда кечаётган қон тўқилиши жараёнига эътибори “кайтарилди”. Тошкент анжумани Афғонистон ичида ва унинг ташқирисидидаги сиёсий жараёнларнинг бошланғич кучли туртки берди. Тошкентдаги форумсиз “Доха-1” ҳам, “Доха-2” ҳам бўлмади. Ҳатто бир-бирига мулоқот тексари фирқалардан инсонлар ҳам бу борада яқинлашди.

Афғонистонда Тошкентга ишонилди, унга суянилади. Ўзбекистон етакчилигининг бу мамлакатни фақат таҳдид манбаи сифатида қўриқилиш тўхташи ва Афғонистонга имкониятлар нуктаи назардан қарай бошлашга қорлови кенг халқаро ҳамжамият томонидан бирдек қўллаб-қувватланди.

Анвар МИРЗАЕВ
«Халқ сўзи» таърифи.

Сайёр қабул

Фуқароларнинг муурожаатлари билан ишлашга муносабат ўзгарганини барчамиз кўриб, ҳис қилиб турибмиз. Бошқача айтганда, кўп вақт ёпиқ турган, биров тақиллатса-да, очилганга эшиклар бугун очилди.

Ҳар бир муурожаатнинг ечими бор

Раҳбарлар аҳоли билан юзма-юз мулоқот қилиш, уларни эшитиш, дардларини тинглаб, унга даво топишни ўрганиш, десак, ҳақ қилмаган бўлишим.

Дарҳақиқат, инсон ва унинг манфаатлари юксак қадринг даражасига кўтарилиб, устувор тутилган, масъул раҳбарларнинг бунга муносабати ўзгарди. Узоқ йиллар “масъумбулик”га ўрганиб, буниси ҳам “ўлиб кетар”, қабилида ҳис тутиш ўзини оқламаганини бугун рўбарў келинган муаммоларнинг илҳамидир. Қолаверса, ҳар бир муурожаат орқиди фуқаро таъшиини чуқур ўрганиш, унга мутаассадиларнинг муносабати ўша раҳбарларга халқнинг ишончини ҳам белгиламоқда.

Бунга Навоий вилоятининг Зарафшон шаҳри мисолида гувоҳ бўлиш мумкин.

Шаҳар ҳоими, 1-сектор раҳбари Анвар Ражабовнинг Алишер Навоий номидаги маҳаллада ўтказган сайёр қабулига турли мазмундаги 12 та муурожаат қилиб тушди. Ушбу муурожаатларнинг 10 таси жойида хал этилди. Иккита муурожаат юзасидан тағйилиш масъулларга аниқ муддатли топшириқлар берилди.

Муурожаатларнинг асосий қисмининг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун имтиёзли маблағ, ер ажратиш, банк кредити олиш, бандлик каби масалалар ташкил қилади. Чунки, бир неча йилдан бунён тивувчилик фаолиятини билан шугулланиб келаётган Зарнгор Мустафозовнинг 10 дана тиву машинаси хариди учун кредит масаласида амалий қўмақ сўраб қилган муурожаатини Халқ банки Зарафшон шаҳар филиали ўз зиммасига олди.

Шунингдек, Дилафрўз Омоновнинг тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш учун ажратилишини сўраб қилган муурожаати эътибордан четда қолмади. Фуқаролар Шохрух Исмоилов ва Феруза Абдуяевнинг илга жойлаштирилган масаласидаги муурожаати ҳам икхобий ечим топди. Сайёр қабулда ногиронлиги бўлган фуқаро Анвар Искандарова Муратпулат маҳалласидан уй ажратиш бериш бўйича мутаассадиларга аниқ муддатли кўрсатма берилди.

Ҳар бир муурожаат орқиди бир неча киши қаниннинг озу-ёстиги, кичик вазиятдан чиқишида бошқаларнинг кўмагига мутожлик этиди. Бундай ҳолатдаги кишига ёрдам беришни нафақа тадбирлик масъулияти, баъзи инсоний бунён деб қабул қилишнинг керак, — деди А. Ражабов.

Урашувда куз-киш масъулига ҳуқуқдор ишлари ва коммунал соҳадаги муаммо ҳамда қанинликлар ҳақида ҳам сўз юритилиб, аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб берилди.

Темур ЭШБОЕВ
«Халқ сўзи»

ОИЛАЛАР ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ — ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Президентимиз Бирлашган Миллатлар Ташкилати Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ҳамда фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни бириктиришга яратиш ташаббусини илгари сурди. Бу бежиз эмас. Чунки бугун мамлакатимиз олдида турган энг муҳим вазифа ҳам халқлик, адолатли раҳбарларнинг жамиятга келтириш, фуқаролар манфаатларини муҳофиза қилиш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали оилалар фаровонлигини қаролатиш саналади. Бундай жамият пойдеворини эса, энг аввало, бой ва бадавлат, меҳнат қадрини биладиган, маънавий соғлом ҳамда маданий савияси баланд миллийлик ва миллийлик оилалар ташкил этиди. Шу боис юртимизда оилага муносабат равишда ғамхўрлик қилиш, унга ҳар тарафлама моддий ҳамда маънавий қўмақ бериш борасида кенг кўламли сайёр-харажатлар олиб боришмоқда.



ва табиий-иклим шароити оғир ҳудудларда ушбу дастур илҳим амалга оширилмоқда.

Тижорат банлари томонидан оилавий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида имтиёзли кредитлар берилляпти. Хусусан, бунинг учун энг кам иш ҳақининг юз эллик бараваригача, белгилаган тартибда давлат рўйхатидан ўтган гич тадбиркорлик субъектларига фаолиятини ривожлантириш учун энг кам иш ҳақининг миң бараваригача, тадбиркорлик субъектларининг инвестициявий лойиҳаларини ўз ичига олган имтиёзли миң бараваридан ортук микдорда кредитлар ажратилаёттир. Қарор билан оилавий тадбиркорлик фаолияти учун ер ажратиш масаласи ҳам ўз ечимини топди.

Умуман айтганда, ушбу ҳужжат ҳар бир оиланинг тадбиркорлик билан шугулланиши ҳамда барқарор даромад манбаига эга бўлиши учун зарур шарт-шароитларни яратмоқда.

Коронавирус пандемияси даврида ҳам аҳоли ҳамда оилалар давлатимизнинг доимий ижтимоий ҳимоясида. Аҳоли, иқтисодий тармоқлари ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги ҳамда бошқа қатор норматив ҳужжатларнинг қабул қилиниши, албатта, фидойи халқимиз ва тадбиркорларимизни оғир ҳақида синови кунларда саросимага тушиб қолмасдан, карантин талабларига қатъий амал қилган ҳолда ўз ишларини давом эттиришларига асос бўлаёттир. Хусусан, ҳукуматимиз томонидан аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича шу йилнинг март — июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган болаларни бўлган оилаларга нафақа, бола парварлиш бўйича нафақа ва моддий ёрдамлар тўлашни янги муддатда давом эттириш тўғрисидаги арзиз ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда 6 ой муддатга танавфуссиз давом эттирилиши, янгидан ижтимоий нафақа олиш учун талаб қилинадиган ҳужжатлар сонини қисқартириш, ўн тўрт ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, бола икхи ёшга тўлгунга қадар бола парварлиш бўйича нафақа ва моддий ёрдам олувчи сонини 2020 йил 1 апрелдан бошлаб 10 фоизга ошириш белгилаб берилди.

Аҳолининг меҳнат муносабатлари ҳам алоҳида ҳимояга олинган бўлиб, корона вирус инфекцияси билан зарарланган ёки зарарланган, деб гумон қилиниши муносабати билан карантинга жой-

Бугуннинг гапи

Аёни, оилалар фарзандлар сонини, уларнинг соғлом, билимли, одобли бўлиб этишишлари учун харажатларни ўз даромадларидан қилиб чиқган ҳолда сарфлайди. Одатда бу харажатларнинг бир қисминини давлат қўради. Булар тиббиёт, маориф, спорт, таълим қабилардир. Қолган харажатларни ота-оналарнинг ўзлари амалга оширади. Бозор иқтисодиётига ўтилиши билан бирга, ана шу харажатларда оиланинг ҳиссаси тобора ортук бормоқда. Демакки, оиладаги фаровонлиқни таъминлаш учун товар ва хизматлар яратиш, оилавий бизнес, яъни мулк эгаси сифатида индивидуал ишлаб чиқаришни ташкил этиш муҳим аҳамиятга эга. Оила иқтисодиёти, унинг фаровонлиги оилада меҳнатга лаёқатли

фақат ҳалол, маънан юксак, балки нафақада яхши ҳўжлик юртуручи инсонни тарбиялашдан зарур.

Оилалар фаровонлигини таъминлашда бизнес муҳитини шакллантириш муҳим омил саналади. Шу боис мамлакатимизда сўнгги йилларда оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки тадбиркорлик орқали оилалардаги муаммолар камаяди, ахиллик ортди ва ижтимоий ҳимоя таъминланди.

Яна бир муҳим ҳужжат — давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 7 июндаги “Ҳар бир оила — тадбиркор” дастурий амалга ошириш тўғрисидаги” қарори орқали бизнинг ушбу шакли билан шугулланаётганларга қўллаб имтиёз ҳамда им-



кониятлар яратиб берилди. Солиқдан озод этиш бўлидими, энергия ресурслари тўловоидаги имтиёзларми, маъсулоти сонини таъминлаш, хуллас, ҳамма шартим мундай қилинди.

Таъкидлаш жоиз, ҳозирги вақтда ушбу қарорга асосан, мамлакатимизнинг ҳар бир туман ҳамда шаҳарда, аввало, олис

ЮРТБИМЗИНИНГ ХАЛҚАРО НУФУЗИ ОРТМОҚДА

“Янги Ўзбекистон” шиори остида юртимизда олиб борилаётган кенг кўламли очик сиёсат туфайли Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги нуфузи тобора ортапти. Бу бир қатор халқаро рейтинг кўрсаткичларида ҳамда нуфузли анжуманларда ҳам кенг эътироф этиляптир.

Ахр

Айни пайтда Ўзбекистон халқаро аҳамиятга эга ташаббуслари билан Бирлашган Миллатлар Ташкилати (БМТ) доирасидаги ҳамкорлига янги чимазмун-моҳият бағишлаб, икхи томонлама алоқаларини жадал мустахкамлаб бормоқда.

Президентимиз БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида нутқ сўзлаб, дунёда барқарор ва узлуксиз таррақийи таъминлашга қаратилган қатор муҳим ташаббусларини илгари сурди. Ўзбекистон раҳбари халқаро ҳамжамият эътиборига минтақавий ҳамда глобал аҳамиятга эга долзарб масалалар юзасидан ўз нуктаи назарини тақдим этди, мамлакатимизни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий жиҳаддан ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб берди.

қўллаб-қувватлаш, эътиқод эркинлиги ва коррупцияга қарши кураш ҳақидаги сўзлари алоҳида диққатга сазовордир.

Давлат раҳбари томонидан БМТ шафелигида Пандемиялар даврида давлатларнинг истиёрий мажбуриятларини тўғрисидаги халқаро кодексини ишлаб чиқиш тақлифи ҳам айни пайтдаги муҳим ташаббуслардан бири бўлди. Мазкур ҳужжатда ҳар бир давлатнинг ўз фуқаролари ва халқаро ҳамкорларини олдидаги мажбуриятларини аниқ этиши, ўзaro муносабатларининг янада мустахкамлашни, ишонч омилларининг шаклланишига замин яратди.

Охирги йилларда гендер тенглик сиёсати мамлакатимизнинг устувор йўналишига айланди, десак, адашмаймиш. Хотин-қизларнинг давлат бошқарувидаги ўрни ҳамда илтироқи тобора ортук бораёттир. Биргина, ўтган йили бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайловларда хотин-қизларнинг улуши 150 депутатдан 48 нафарини ташкил этди. Бу қўрсаткич, албатта, кўп нарсадан далолат беради. Қолаверса, Олий Мажлис Сенатига Хотин-қиз-

лар ва гендер тенглик масалалари бўйича алоҳида қўмита ташкил этилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари ўз нуктида юртимизда диний эркинлик борасида вазият кескин яхшиланигани, миллатлараро тотувлик ҳамда диний бағрикенгликни янада мустахкамлаш муҳим вазифа эканлигини қайд этди.

Дарҳақиқат, диний эркинлик бўйича кейинги йилларда амалга оширилган ишлар халқимизга, шунинг баробариди, халқаро жамоатчиликка ҳам яхши наълум. Бу ўринда диний масалалар бўйича муҳим рўйхатда турган шахсларнинг ушбу рўйхатдан чиқарилгани, қўллаб диний мажбуслар афв этилгани, янги масжидлар очилаётгани, диний таълим олиш учун имкониятлар кенгайтигани 2020 йилда АҚШнинг халқаро диний эркинлик бўйича комиссияси (USCIRF) Ўзбекистонни “диний эркинлик соҳасида алоҳида ҳавотирга молик давлатлар” қаторидан олиб ташлаганини алоҳида таъкидлаб ўтиш лозим.

Яна бир муҳим масала, бу — ёшлар масаласи. Мамлакатимиз аҳолисининг яримдан қўпни ёшлар ташкил этиди. Ҳар бир йигит-қиз-

«ТАРТИБГА СОЛИШ ГИЛЬТИНАСИ» — АМАЛДА

Шунингдек, Олий Мажлис палаталарининг амалдаги барча қарорлари ва маҳаллий давлат ҳомиёти органларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасига киритилиши лозим.

Керали ҳужжатларини излаш жараёнини осонлаштириш учун Адлия вазирлигида Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йилдаги қарорига мувофиқ яратилган ҳамда 2017 йилда норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни эълон қилиш бўйича расмий маълумот берилган Ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини такомиллаштириш вазираси юклатилди. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва оператив, ташкилий ҳамда бошқа характердаги ҳужжатларни, шунингдек, ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги ақтларни алоҳида жойлаштириш масаласи кўриб чиқилди.

Шубҳасиз, замонавий технологиялар ҳаётини анча соддалаштирибгина қолмай, балки осонлаштириш ҳам бу норма ижодкорлиги жараёнига ҳам тегишли. Ахборот-коммуникация технологиялари шарофати билан, пандемия билан боғлиқ карантин чораларини

қўлайлаштириш пайтида ҳам норма ижодкорлиги бўйича ишларни узлуксиз ташкил этишга имкон яратилди. Масалан, 2020 йил 1 январдан бошлаб Интернетнинг жаҳон ахборот тармоғида Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш бўйича ягона электрон тизим (www.project.gov.uz) тўлиқ режимида иш бошлади.

Шу билан бирга, Фармонда норма ижодкорлиги жараёнини келгусида автоматлаштиришга қаратилган бир қатор чора-тадбирлар белгиланди. Шундай қилиб, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини муҳомама қилиш порталида (www.regulation.gov.uz) тартибга солишчи юкни қамрайтириш мақсадида гуруҳларда ишлаш технологияларини ишлаб чиқиш ва ўзаро таъсирчан механизмларини яратиш мақсадида “очик майдонча” (open platform) жорий этилмоқда.

Умуман, Фармонда ишбилармонлиқ доиралар ва кенг жамоатчилик вакиллари билан самарали ҳамда очик мулоқот ўрнатиш орқали ҳуқуқий базани таъминлаштириш, жумладан, норма ижодкорлиги жараёнини сифат жиҳаддан яхшилашга ҳисса қўйишга қаратилган бир қатор илгор қоялар илгари сурилган.

Баҳром ҚўЧҚОРОВ,
Адлия вазирини ўринбосари.

Кисқаси, БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган барча муҳим ташаббуслар Ўзбекистоннинг БМТдек нуфузли ташкилот билан ҳамкорлиги сўнгги йилларда янги чимазмун-моҳият касб этаётганини, қолаверса, янгилаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгартириш, олиб борилаётган очик, ошкора ички ва ташқи сиёсат нақдлар тўғри эканлигини жаҳон ҳамжамиятига яна бир бор ибодат этди.

АСОСИЙ МАҚСАД — УЧИНЧИ РЕНЕССАНС ПОЙДЕВОРИНИ ЯРАТИШ

Давлатимиз раҳбари Ўқитувчи ва мураббийлар кўни муносабати билан сўзлаган нутқида кейинги йилларда юртимизни ҳар томонлама тараққий эттириш, янги Ўзбекистонни яратиш мақсадида барча соҳа қатори таълим тизимида ҳам туб ислохотлар олиб борилаётганига тўхталиб, "Биз кенг қўллади демократик ўзгаришлар, жумладан, таълим ислохотлари орқали Ўзбекистонда янги Ўйғонш даври, яъни учинчи Ренессанс пойдеворини яратишни ўзимизга асосий мақсад қилиб белгиладик. Бу ҳақда гапирар эканмиз, аввало, учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳиятини ҳар биримиз, бутун жамиятимиз чуқур англаб олиши керак", деб таъкидлаб ўтди.

Нукта назар

Шу борада мен бир олим сифатида, биринчи ва иккинчи Ўйғонш даврининг тарихий шарт-шароити ҳамда уни юзага келтирган факторларга тўхталмоқчиман.

Биринчи Ренессанс нима, у қандай тарихий шарт-шароитларда юзага чиқди ва бутун инсониятга нималарни туҳфа қилди?

Барча Шарқ ва Ғарб олимларининг эътирофи қилинганча, Европада XV — XVII асрлар орасида юзага келган биринчи Ренессанс юртимизда ундан бир неча юз йил аввал, яъни IX — XI асрларда рўй берган. Ҳақиқат мазкур даврда давлат тараққийоти учун жуда муҳим бўлган янги ислохотлар ва қонунлар жорий қилинди, ер-сув, қўшнчилик муносабатларида солиқларга ҳам янги қўйишлар содир бўлди. Давлат юртимизда ҳамда сийosatдаги англиклар илм-фан кишиларини зўр ғоялар теваракда бирлаштириди, турли-туман фанларга, айниқса, математика, астрономия, кимё, тиббиёт, ҳуқуқ, геодезияга қизиқиш кўчайди ва дунё тўзлиши ҳақидаги замонавий назарияларга айнан ўша даврда асос солинди. Мухаммад Мусо ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фароғий, Абу Наср Форобий, Юсуф Фокхоний, Махмуд Кошарий, Махмуд Замахшарий, имом Бухорий, имом Термизий, имом Ибн Муҷиб, Абу Муин Насайфий каби буюк ақдодларимиз серикара истеъдод соҳиблари бўлишлари билан бир қаторда, ўз фанлари бўйича бутун оламга устозлик мақомига эришди. Мазкур давр дунё тараққийотининг юксалиш тамойилларини белгилаб берди, десак, муҳолафа бўлмайди. Бунинг ёрқин исботи Хоразмда берпо этилган Маъмур академиясидир. Даҳо мутафаккирларни ўз бағрига тўплаган бу олий даргоҳ нафақат мистақа, балки бутун дунё учун акселератор вазифасини ўтагани айни ҳақиқат.

қур қудратини узоқ ўлкаларга қадр айишиди.

Иккинчи Ренессанс нафақат мистақамизда, балки жуда катта жүроғи ҳудудларда сийосий-иқтисодий ва иқтисодий ислохотларни амалга оширган улў бобомиз, соҳибқирон Амир Темур номи билан намбарсан боғлиқ. У зот туфайли қудратли марказий бошқарувга асосланган давлат ва янги маданий-илмий юксалиш учун қўлай вазият юзага келди. Амир Темур ўз бепосён салтанатининг катта шаҳарларига турли ҳудудлардаги истеъдодли олимлар, шоирлар, ҳунармандлар, меъмоларни жамлади ҳамда илм-фан тараққийоти учун керакли барча шарт-шароитни яратиб берди. Бундай оқилона сийosat мамлакатнинг илмий ва маданий қудратини кўчайтирди.

Иккинчи Ренессанс даври "Исломи маданиятининг олтин асри" деб аталиши билан бирга, фазо илми ҳамда математика фанларининг ривожланиши билан юртимизда иккинчи Ўйғонш даврини бошлаб берди. Бу даврда Қосиқозда Румий, Мирзо Улуғбек, Ғиёсийдин Кошӣ, Али Қўши сингари беназир олимлар, Лутфий, Саққокий, Хоғиз Хоразмий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Бобур Мирзо каби мунозот шоир ва мутафаккирлар майдонга чиқди. Шарафиддин Али Яздий, Мирқонд, Хондамир каби тарихчилар, Махмуд Музаффи, Камолиддин Бекзода сингари мусаввирлар, қўлбал хатт ҳамда созандалар, мусиқашунос ва меъмоларнинг шуҳрати дунёга ёйилди. Биринчи Ренессанс даврида бўлгани каби бу даврда ҳам илм ўрганиши истовчилар бутун дунёдан оқиб кела бошлади.

Давлатимиз раҳбари нутқидаги "Биз учинчи Ренессанс масаласини стратегик вазифа сифатида олдимизга қўйиб, уни миллий ғоя даражасига кўтармоқдамиз", деган сўзлари юртимизда амалга оширилаётган кенг қўллади туб ислохотлардан қўлланган улў мақсадларини ифода этади.

"Биз мактабгача таълим ва мактаб таълими, олий ва ўрта махсус таълим тизими ҳамда илмий-маданий муассасаларни бўлғуси Ренессансининг тўрт узвий ҳалқаси, деб биламиз. Боғча тарбиячиси, мактаб муаллими, профессор-ўқитувчилар ва илмий-ижодий зинъиларимизни эса янги Ўйғонш даврининг тўрт таянч устуни, деб ҳисоблаймиз.

Мен ишоанам — ҳурматли ота-оналар бу ташаббусни албатта қўллаб-қувватлаб, янги Ренессансининг бешикчи ҳалқаси, бешикчи устуни бўладилар. Ва бу маънавий-маърифий ҳаётимиздаги энг муҳим вазифа устуни бўлади", деган эътироф эса "давлат — таълим — ўқувчи ва ота-она" ҳалқаларини қатъий бир тизимга мустаҳкамлашда ҳамда улў мақсадга эришишининг ишончли йўлини кўрсатиб берди.

Шонли тарихимиздаги ҳар иккала Ўйғонш даврида ҳам энг муҳим жиҳат — давлатнинг, давлат раҳбарининг юксак эътибори бўлиб келган. Маъмур академиясининг барпо этилишида хоразмиз Маъмурнинг сулоласининг, Иккинчи Ўйғонш даврининг юзага келишида



эса буюк бобомиз Амир Темурнинг ва темирўй авлодларнинг ҳиссаси бекиёдир. Ҳар икки сулола ҳукмдорлари ўз даврининг ёрқин истеъдодларини, олимларини давлат қаноти остига тўплаган ҳамда ғамқўрлик қилиб, улўга керакли шарт-шароитларни яратиб бергани учун тарихан қисқа давр ичда ақдодларимиз дунё илм-фанига пойдевор бўлгүлик буюк кашфиётларни қўтарди.

Президентимиз тилга олган учинчи Ренессанс ғояси ҳам давлатнинг, ҳам ёшларнинг, ҳам ота-оналар ва устозларнинг орзу-истакларини бирлаштиради. Ҳар қандай ота-она ўз фарзандининг истеъдоди барқ уришини, эл-юртга хизмат қиладиган етук инсон бўлиб улғайишини хоҳлайди. Айни шу ерда давлат, ёшлар ҳамда ота-оналар истакларининг жиқшлаганини кўраемиз. Бу — тарих, бугун ва келажакни бирлаштирувчи ҳаётбахш ғоя бўлгани учун ҳам давлат раҳбари учинчи Ренессанс масаласини миллий ғоя сифатида кўтарди.

Тарихий адабиётлардан биламизки, мактаб ва таълим даргоҳларига ота-оналар фарзандларини олиб борар экан, "Эти сизники, сунги бизники", деган иборани қўйишарди. Ушбу ибора замирида ҳижолатлар бисёр. Маълуки, сунж — вужуднинг асоси, таянчи, барча ҳаётий жараёнларнинг неғизи, қалъаси десак ҳам бўлади. Фарзандини устозга топшираётган ота-онанинг содда, халқона қилиб айтган ушбу сўзлари замирида генетика фани "Болаимиз асосий таянч қалъасини мустаҳкамлаб беринг", деган маънони кўради.

Шу ўринда юртимизнинг илм-фан ва инновацион фаолият тизими учинчи Ренессансга тайёрми, деган табиий савол туғилади. Бу борада қўйидаги қатор омилирани келтириш мумкин.

Авало, илм-фани ривожлантириш, инновационлиқни иқтисодий тизимга ва иқтисодий ҳаётимизга жорий этиш учун норматив-ҳуқуқий база яратилди. Юртимиз тарихида илк бор "Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида" ҳамда "Инновацион фаолият тўғрисида" қонунлар қабул қилинди. Мазкур соҳаларни тартибга солувчи қонундори ҳужжатлари тайёрланди. Бундан ташқари, давлатимиз томонидан олимларнинг маъки, обрўси юксалтирилди, академик легитимлиги оширилди. Уларга қўлай шарт-шароитлар яратиб берилди.

Шунингдек, илмий-инновацион фаолиятнинг инфратузилмасини мустаҳкамлаш чоралари қўрилди. Президентимиз қарори билан махсус дастур қабул қилинди. Бу дастур доирасида 40 дан зиёд илмий ташкилотларга илмий асосбу-ускуналари харид қилиш учун 32 миллион АҚШ доллари, уларнинг бини ва ишоотларини қилитил таъминлаш учун 119 млрд. сўм миқдордаги маблағлар йўналтирилиб, бунда барча асосбу-ускуналар паркин янгилаш бўйича чора-тадбирлар қўрилмоқда.

илмий даражаси бор кадрларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, нуфузли илмий йўналишлар бўйича илмий мактаблар яратишга қаратилган комплекс чоралар қўрилди. 2018 йилдан бунён мутахассисларнинг ойлик иш ҳақлари ўртача 2,5 баравар ошди. Бундан ташқари, илмий фаолиятта молиявий харажатлар эса 3,5 баравар ўсди. Ҳар бир олимга ўзининг йўналиши бўйича илмий фаолиятида натижа кўрсатса, ушбу натижаларни мукофотлаш билан боғлиқ тизим яратилди. Фан номзодларига ойлик иш ҳақига 30 фоизгача, фан докторларига 60 фоизгача миқдордаги устамалар белгиланди. Бу олимларимизнинг янгиликлар яратиш, илмий натижаларини тегишли соҳаларга жорий этиш, амалиётга таъбиқ қилиш қўлимини оширишга рағбат берди.

Олимларимизда ўз ишланмаларини иқтисодийёт тармоқларига таъбиқ этиш, тижоратлаштириш муаммо бўлиб қолгани. Ҳозир ана шу муаммо ечилиб, илмий ишланмаларни тижоратлаштириш бўйича амалий механизмлар жорий қилинди. 100 миң АҚШ доллари миқдоридagi Илмий-техник ишланмаларни тижоратлаштириш Президент жамғармаси ташкил этилди. Ҳар бир олимга ё илмий жамоага ўз ишланмалари доирасида тижорат билан шуғулланиш, даромад олишга қаратилган платформа яратилди. Олимлар ўзи яратган ишланмаларни доирасида алоҳида тижорат компанияси ташкил этиш, лицензия олиш бошқа тижорат шартномаси билан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиши мумкин. Бунда тижоратлаштиришдан тушган маблағларнинг 40 фоизи муаллифга, 30 фоизини илмий жамоага тақсимлаш назарда тутилган.

Илм-фан ва инновацион фаолият соҳасида ривожланган давлатларнинг нуфузли олимлари билан ҳамкорликда мавжуд муаммоларни ҳал этишга қаратилган қўша илмий лойиҳаларни амалга ошириш учун кенг шароитлар, муқоротлаш, қўллаб-қувватлаш тизими яратилди. Бугунги кунда Германия, Россия, Беларусь, Туркия давлатлари билан 9,5 миллиард долларилик 21 қўша лойиҳа бажарилаётган бўлса, келгуси йили халқро қўша лойиҳалар геогрaфиясини кенгайтириши режалаштирилган. 2021 йилда қўрақидagi давлатлар билан бир қаторда Хитой, Хиндистон олимлари билан ҳам қўша лойиҳалар таъинлов эълон қилинди. Бу нафақат Ўзбекистондаги иқтисодий ва иқтисодий соҳадаги муаммоларнинг ечимини топишга, балки глобал миқёсдаги муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий-инновацион тадқиқотларни амалга оширишга хизмат қилад.

Олдимида турган эндиғи вазифа 2030 йилгача бўлган даврда илм-фан соҳасини ривожлантиришнинг асосий ташкилий-иқтисодий, инфратузилмавий, институционал чора-тадбирларни амалга оширишдир.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда тадқиқотчиларнинг ўртача ёши 57 ёш. 2030 йилга келиб, бу кўрсаткич 39 ёш бўлиши керак. Ёшларнинг илм-фанга кириб келиши истиқболли янги йўналишлар — биотехнологиялар, рақамли технологиялар, суний интеллект, нанотехнологиялар, водород энергетикаси, геномика, космология, криминалистика бўйича илмий тадқиқот ишларининг жадаллашишига хизмат қилад.

Ўз навбатида, илмий тадқиқот ишлари давлат бюоретмаси механизмининг тўлқ жорий этиш, грант асосида молиялаштириш механизмининг тақомиллаштириш бўйича ҳам қатор ишларни амалга оширмоқдамиз. Илм-фани молиялаштиришда хусусий сектор улўши амалдаги 8 фойздан 2025 йилда 20 фоизга, 2030 йилгача эса 30 фоизга этилаштириш кутилмоқда. Энг муҳим жиҳатлардан бири, бу — 2025 йилга қадар илм-фанга ажратилган маблағларнинг ЯИМга нисбатан улўшини 6 баравар, 2030 йилгача эса 10 баравар оширилишига эришишдир. Негаки, илм-фани молиялаштириш ҳажми Ўзбекистонда янги ички махсулотга нисбатан 0,2 фоизини ташкил қилиб, йиллар давомида ўзгармай қолгати. Ушбу кўрсаткич жаҳон бўйича ўртача 1,7 фоизни ташкил этади, масалан, Хитойда 2008 йилда 1,4 фойздан 2,14 фоизгача, Корея Республикасида 3,1 фойздан 4,5 фоизгача ошган.


2020-2021 йилларда 43 та янги ишланмани, 2021-2022 йилларда юқори сармдор 38 та илмий ишланмани тижоратлаштириш асосида илмий ҳақдор махсулотлар ҳажми ва инновацион махсулотлар турлари кенгайтирилди. Кейинги йил худудий иқтисодийёт тармоқларидаги муаммоларнинг илмий ечимини таъминлашга йўналтирилган 14 та лойиҳани, 2022 йилдан бошлаб ҳар йили илмий лойиҳалар сонини 50 фоизга ошириб боришни назарда тулуви илмий фаолиятга онд худудий дастурлар амалга оширилди. Жўрладан, махаллий бюджет маблағлари ҳисобидан худудлардаги муаммолар ечимига қаратилган фундаментал, амалий ва инновацион лойиҳаларни амалга ошириш тизимли равишда йўлга қўйилди.

Ушбу мақсадлар ва белгиланган вазиқлар юртимизда учинчи Ренессанс даврининг бошланғичи замин яратиши кутилмоқда. Давлатимиз раҳбари эътироф этганидек, ҳаққимизнинг улўвор қудрати кўш урган ҳозирги замонда янги Ўзбекистон анғидан-янги юксак марраларга эришишига, инсоният бахт-саодати, фаровонлиги ҳамда равнақи учун ўрнқ бўлишига шўба йўқ.

Иброҳим АБДУРАҲМОНОВ, инновацион ривожланиш вазирини, академик.

Молия муассасаларида ХАЛҚ БАНКИ ЯНА БИР ЙИРИК КРЕДИТ ЛИНИЯСINI ЖАЛБ ҚИЛМОҚДА

Тўғридан-тўғри жалб қилинадиган кредит линиялари мамлакат иқтисодийоти учун ниҳоятда муҳим. Қолаверса, бу маблағлар жараённинг бевосита иштирокчиси бўлган тижорат банкларининг ресурс базасини мустаҳкамлашда, ликвидлигини оширишда муҳим аҳамият касб этади. Халқ банки айни сабабдан Германиянинг жаҳонга машҳур "Deutsche Bank AG" банки билан ҳамкорлик ўрнатди. Бинобарин, бу мамлакатимизда инвестициявий лойиҳаларни молиялаштириш ҳамда четдан сармоялар жалб қилиш бўйича тижорат банкларига юқлатилган вазифалар ижроси билан ҳам ҳамкорлик.



Айтиш жоизки, "Deutsche Bank AG" Франкфурт шаҳрида жойлашган, дунё молия бозорида 150 йиллик тажрибага эга. 2019 йил якунларига қўра, мазкур банкнинг умумий активлари 1,3 трлн. Дунёнинг 59 мамлакатидида жами 1931 та филиали мавжуд ва уларда 87,5 миңдан зиёд ходимлар ишлайди. Ҳўш, Халқ банки мазкур банк билан ҳамкорлик доирасида дастлаб қандай сайи-харақатларни амалга оширди? Гап шундаки, шу йил сентябрь ойида икки банк ўрта-сидида 150 млн. АҚШ долларигача миқдорда кредит олиш юзасидан истиқболли битим имзоланди. Албатта, Халқ банки ташаббуси билан, Ҳозир битим доирасида 102,5 млн. АҚШ доллари миқдоридида мақбул фойзаларда кредит маблағлари жалб қилинапти. Келгусида яна 47,5 млн. АҚШ доллариллик қисми ҳам ўзлаштирилиши кузда тутилган.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Халқ банки бу маблағларни нималарга сарфламаски? Биринчи навбатда, ушбу кредит линияси банк миқозлари, тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Масалан, экспортчи корхоналарни қўллаб-қувватлашга 25 млн. АҚШ доллари, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва йўшт этиштириш ҳажминини оширишга ҳам шунча маблағ ажратилади. Чўночи, Сурхондарё вилоятининг Жарқўрғон туманида умумий қиймати 5 млн. долларлик лойиҳа рўёбга чиқарилиши натижасида йилга 25 миң тонна буюбдони қайта ишлаш йўлга қўйилса, Сирдарё вилоятининг Гулистон туманида 5 млн. АҚШ доллариллик кредит эвазига Украиндан 1260 бош насли қорамол келтирилиб, бурдоқчилик фаолиятига киртирилади. Худди шундай лойиҳа 520 бош зотдор чорва молларини Эстония давлатидан олиб келиш ҳисобига Қорақалпоғистон Республикасининг Беруний туманида ҳам амалга оширилиши режалаштирилган. Бунинг умун 523 миң АҚШ доллари йўналтирилади. Самарқанд вилоятининг Иштихон туманида эса 645 миң АҚШ доллари қийматидидаги кредит эвазига Россиядан 630 бош насли қорамол харид қилиниб, бурдоқчилик йўлга қўйилади. Шунингдек, 52,5 млн. АҚШ доллариллик сармоя ҳисобидан ун, ўсимлик ёғи, қизилмия экстракти ва пахта хом ашёсини қайта ишлаш орқали яримтайёр қалава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Ҳўсуан, Ташкент вилоятининг Қибрай туманида банк томонидан ажратилган 500 миң АҚШ доллари миқдоридидаги кредит ҳисобига бу ерда йилга 5 миң тонна ўсимлик ёғи ишлаб чиқариш кўзда тутилмоқда.

Энг асосийси, молиялаштирилган лойиҳалар доирасида тайёрланган махсулотларнинг аксарият қисми экспортга чиқарилади. Банк охборот хизмати.

Хизматлар лицензияланган.

Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазирлиғи ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТРАНСПОРТ УНИВЕРСИТЕТИ олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига 2021 йил учун куйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилад:

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ОЛИМПИАДА КЕНТРАЛИ РЕСПУБЛИКА СПОРТ ТИББИЁТИ ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ куйидаги ихтисосликлар бўйича 2021 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка қабул эълон қилад:

Халқ сўзи Народное слово. Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигидида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Ғ — 1056. 30 702 нусxada бошилди, ҳажми — 2 талон, Офсет усулида бошилди. Қўғоз бичими А—2. Баҳою келишининг нарҳи.